



571 йил 20 апрел – Маккада хошимийлар маҳалласида пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг туғилишлари (12-робитъул-аввал, душанба куни)

577 йил – Пайгамбаримизнинг оналари билан Мадинага бориб, ота кабрини ва тоғаларини зиёрат қилишлари ҳамда қайтишда Абво кишлоғида оналари вафоти.

579 йил – Пайгамбар алайхиссаломни тарбиялаётган боболари Абдулмутталиб вафоти ва у зот амакилари Абу Толиб қафолатиға ўтишлари.

583 йил – Мухаммад алайхиссаломнинг амакилари Абу Толиб билан Шомга тижорат қарвонида кетишлари ва Бусро шаҳрида насроний рухонийи Бухайронинг қутилаётган пайгамбар шу бола эканини сезиши.

591 йил – Мухаммад алайхиссаломнинг Канона ва Кайс қабилалари ўртасида тўрт йил давом этган Фужжор ҳарбида бетараф қилишлари ва Хилфул-Фузул сулҳида иштирок этишлари.

595 йил – Пайгамбаримизнинг Ҳазрати Ҳадичанинг қули Майсара билан Шомга тижорат сафари қилишлари.

596 йил – Мухаммад алайхиссаломнинг Макканинг баобрў аёлларидан Ҳадича бинти Хувайлид билан оила қуришлари.

606 йил – Пайгамбаримизнинг Каъбани қайта қуришда қатнашишлари.

Биъса - пайгамбарлик даврининг асосий воқеалари:

610 йил (пайгамбарликнинг биринчи йили Рамазон ойида) – Пайгамбаримизнинг қирк ёшларида Хиро (Нур) тоғида илк ваҳийнинг қилиши ҳамда у зотнинг Маккадаги пайгамбарлик давларининг бошланиши, энг яқинларини Исломга даъват қилишлари ва Ҳазрати Ҳадича, Али, Зайд ва Абу Бакрларнинг мусулмон бўлишлари. Византияда эса Хиракл сулоласининг бошланиши (717 йилда тугаган).

613 йил (пайгамбарликнинг тўртинчи йили) – уч йиллик яширинча даъватдан сўнг Сафо

тепалигига чикиб Исломга очик даъватнинг бошланиши.

614 йил (пайгамбарликнинг бешинчи йили) – Макка мушрикларининг тазйики туфайли бир гурух муслмонларнинг Хабашистонга биринчи хижрати.

615 йил (пайгамбарликнинг олтинчи йили) – Хазрати Хамза ва Хазрати Умарнинг муслмон бўлишлари. Муслмонлар иккинчи гурухининг Хабашистонга хижрати.

616 йил (пайгамбарликнинг еттинчи йили) – Курайшийларнинг Хошимийлар билан муносабатларни узиши ва уларга карши камал эълон килиши

618 йил (пайгамбарликнинг тўккизинчи йили) – курайшийлар томонидан уч йиллик камалнинг бекор килиниши.

619 йил (пайгамбарликнинг ўнинчи йили) – Хазрати Хадича ва Абу Толибнинг вафотлари, бу йилни Расулуллох «омул хузн» (гам-гусса йили) деб аташлари. Мухаммад алайхиссаломнинг Савда бинти Замъага уйланишлари. Курайшнинг Пайгамбаримизга озори кучайиши. Расули акрамнинг тоифликларни Исломга даъват килиш учун Тоифга боришлари.

620 йил (пайгамбарликнинг ўн биринчи йили) – Пайгамбаримизнинг одамлар кўп тўпланадиган Мино, Арафотда ва машхур бозорларда кабилаларни ўзларига эргашишга даъват этишлари. Хазрати Оиша билан никоҳ ақди килинишлари. Биринчи Ақоба байъати.

621 йил (пайгамбарликнинг ўн иккинчи йили) – Расулуллохнинг Исро (кўчиш) ва Меърож (кўтарилиш) воқеалари, намознинг фарз килиниши. Иккинчи Ақоба байъати. Мусъаб ибн Умайрнинг даъват учун Мадинага юборилиши.

Хижрий сана бошланганидан кейинги асосий воқеалар:

Хижрий 1 йил – милодий 622 йил (пайгамбарликнинг ўн учинчи йили) – Сафар ойида Пайгамбар алайхиссаломнинг эллик уч ёшларида Хазрати Абу Бакр Сиддик билан Маккадан Мадинага хижрат килишлари (кўчишлари). Хижрий таквимнинг бошланиши. Абу Айюб Ансорий ховлисида Кубо масжиди ва Расулуллох масканлари барпо килиниши. Кубодан Мадинага кетишдаги Бани Салим юртида илк бор жума намози ва хутба ўқилиши. Масжиди Набавий ва Хонаи саодатнинг қурилиши. Азоннинг жорий килиниши. Муслмонларни биродарлаштириш. Урушга изн берилиши. Пайгамбаримизнинг Хазрати Оишага уйланишлари. Расулуллохнинг эмикдош биродарлари Усмон ибн Маъзуннинг вафоти.

Хижрий 2 йил – милодий 623 йил. Вадон, Бувот, Ушайра газотлари. Кибланинг Қуддусдаги Аксо масжидидан Маккадаги Масжидул-Харомга ўзгартирилиши. Рамазон рўзаси ва закотнинг фарз килиниши. Исломда илк уруш ҳисобланган Бадр газоти (12-Рамазон) нинг зафари. Рамазон ва қурбон Ийд (хайит)ларининг расман байрам килиниши. Яҳудийлар билан сиёсий муносабатлар ўрнатилиши. Пайгамбар алайхиссаломнинг Маккада унаштирилган Хазрати Оиша билан оила қуришлари. Шаввол ойида Бани Кайнукоъ газотининг бўлиши. Зул-хижжа ойида Сувайк (Талкон) газоти. Хазрати Алининг Пайгамбаримиз кизлари Фотимаи Захро билан никоҳланишлари. Мухожирлардан илк чакалок Абдуллох ибн Зубайр ҳамда ансорийлардан илк бола Нўъмон ибн Баширнинг тугилиши. Расулуллох кизлари ва Хазрати Усмон завжалари Рукайянинг вафоти.

Хижрий 3 йил – милодий 624 йил. Рабиъул-аввал ойида Гатафон газотининг бўлиши. Жумадул-аввалнинг 6-кунида Бухрон газоти. Шаввол ойида (милодий 625 йил 27 март) Ухуд газоти ва бу жангда Пайгамбаримиз амакилари Хамза ибн Абдулмутталибнинг

шаҳид бўлиши. Расулulloхнинг Ҳазрати Умар кизлари Ҳафса онамиз, Зайнаб бинти Ҳузайма ва Ҳазрати Усмоннинг кизлари Умму Кулсумга уйланишлари. Ҳазрати Али ва Фотиманинг тўнгич фарзанди, Пайгамбаримиз набиралари Ҳазрати Ҳасаннинг тугилиши. Яҳудийлар томонидан мусулмонларга қарши душманлик ҳаракатлари бошланиши ва мунофиқларнинг ўртага чиқиши. Ҳамроул-Асад газоти.

Хижрий 4 йил – милодий 625 йил. Рожиъ ва Биъри Мауна фожиаларининг содир бўлиши. Бани Назир газоти. Ҳамрнинг ҳаром килиниши. Пайгамбар алайҳиссаломнинг Умму Салама онамизга уйланишлари. Шаъбон ойида Ҳазрати Ҳусайннинг тугилишлари. Хижрий 5 йил – милодий 626 йил. Давматул-Жандал газоти. Бани Мустаълик газоти. Ҳазрати Оишага нисбатан Ифк (тухмат) ходисаси. Таяммумнинг машруъ бўлиши. Пайгамбаримизнинг Зайнаб бинти Жаҳш ҳамда Жувайрия бинти Хорисга уйланишлари. Шаввол ойида Ҳандак ёки Ахзоб жанги. Зул-қаъда ойида Бани Курайза газоти.

Хижрий 6 йил – милодий 628 йил. Шартлари оғир кўринса-да Ислом учун зафар ҳозирлаган Ҳудайбия сулҳининг имзоланиши. Шаъбон ойида Мурайсий газотининг бўлиши.

Хижрий 7 йил – милодий 628 йил. Мухаррам ойида Пайгамбар алайҳиссаломнинг Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистон, Уммон, Яман, Баҳрайн, Ямома ҳукмдорларига расмий мактуб юборишлари. Хайбарнинг фатҳ этилиш жанги. Пайгамбаримизнинг София бинти Хуяй ҳамда Умму Ҳабиба бинти Абу Суфёнга уйланишлари. Зотур Рикоеъ газоти. Зул-қаъда ойида казо умрасининг адо этилиши. Шу ой охирида Пайгамбаримизнинг Маймуна бинти Хорисга уйланишлари.

Хижрий 8 йил – милодий 629-630 йиллар. Жумадул-ула ойида Мута газоти. Рамазон ойида Ҳунайн (Ҳавозин) газоти. Шу ойда ҳамр ва ўлимтик сотиш, мутъа (вақтинча) никоҳнинг ҳаром килиниши. Пайгамбар алайҳиссаломнинг кизлари Зайнаб вафоти.

10-Рамазон (10 январ) куни Макканинг фатҳ этилиши. Тоиф газоти. Жиърона умрасининг адо этилиши. Зулҳижжа ойида Пайгамбар алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳхаралари Ҳазрати Зайнабнинг вафоти ва ўғиллари Иброҳимнинг тугилиши.

Хижрий 9 йил – милодий 630-631 йиллар. Ражаб ойида Табук газоти ва қайтишда фитна уяси бўлган Дирор масжидининг ёкиб юборилиши. Шу ойда Ҳабашистон нажошийининг вафоти ва унга гойибона жаноза ўқилиши. Шаъбон ойида Умму Кулсум вафотлари. Бутун қабилалардан вакиллар келиб мусулмон бўлганларини билдириши ва Исломнинг Арабистон ярим оролига батамом ёйилиши. Рибонинг ҳаром килиниши. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик амирликларида кишиларнинг ҳаж қилишлари.

Хижрий 10 йил – милодий 632 йил. 8 март куни (зулҳижжа ойининг 9-жумаси) вадо (хайрлашув) ҳажи ва Маккада тўпланган 124 минг кишилик жамоатга Расулulloхнинг машҳур Вадо хутбасини қилишлари. Ҳакнинг голиб, ботилнинг мағлуб бўлиши. Шу ойда Куръони қарим оятлари нозил бўлишининг тамомланиши. Пайгамбаримиз ўғиллари Иброҳимнинг вафоти. Пайгамбар алайҳиссаломнинг Бакиъ қабристонида марҳум мўминларга салом йўллаб, шаҳидлар ҳаққига дуо қилишлари.

Хижрий 11 йил Робиъул-аввал ойининг 2-куни – милодий 632 йил майи (ёки 8 июн), Пайгамбар алайҳиссаломнинг вафотлари ва Хужраи Саодатга дафн этилишлари. Ҳазрати Абу Бакр Сиддикнинг халифаликка сайланишлари ва «Хулафои рошидин» дейилувчи беш халифа даврининг бошланиши.